



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, [gumhok@exat.uz](mailto:gumhok@exat.uz)

20 20-yil “ 3 ” декабр

Қ-1849 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “TURON OLTIN BALIQ XAVZASI” кўп тармоқли фермер хўжалигига кўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОП ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Ниёзов Абдулқосим бошлиқ “TURON OLTIN BALIQ XAVZASI” кўп тармоқли фермер хўжалигига кўшимча “Тўғон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасининг 4қ-контурда жойлашган жами 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Бундан кейин “TURON OLTIN BALIQ XAVZASI” кўп тармоқли фермер хўжалигининг С.Бойматов массиви ҳудудида хўжалик харитасида 2, 4қ, 1662қ, 1662ақ-контурларда жойлашган жами 7,20 гектар, шундан 4,40 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,10 гектар ариқ, 0,10 гектар йўл, 0,60 гектар қурилиш тагидаги ерлар, 2,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошев туман ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда “TURON OLTIN BALIQ XAVZASI” кўп тармоқли фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги

ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги девонхона мудури (Ш.Чориев)га “TURON OLTIN BALIQ XAVZASI” кўп тармоқли фермер хўжалигига кўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



**TO'G'RI**  
ZBEKISTON RESPUBLIKAS  
SURXONDARYO VILOYATI  
QUMQO'RG'ON TUMAN  
HOKIMI UMUMIY  
BO'LIM MUDIR



Кумкўрғон туман ҳокими  
Р.Б.Гапиаровга

Тумандаги “Турон олтин  
балиқ хавзаси” фермер  
хўжалиги раҳбари А.Ниёзов  
томондан

## А Р И З А

Аризани ёзишимдан мақсад, “Турон олтин балиқ хавзаси” фермер хўжалигига балиқчиликни ривожлантириш мақсадида “Сурхон соҳили” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиб беришда амлий ёрдам беришингизни сўрайман.

“Турон олтин балиқ хавзаси”  
фермер хўжалиги раҳбари:

А.Ниёзов

QUMQURGON TUMANI HOKIMLIGI	SAHIFALAR SONI	1
	KIRISH №	1077/01-20
	SANASI	29.09.20



QUMQURGON TUMANI  
HOKIMLIGI  
29.10.2020

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on  
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va  
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox  
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон  
туман фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох  
кўчаси 3- уй

2020 йил 09 октябрь

Қумқўрғон тумани

№ 787

**Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туманидаги “Турон олтин балик” фермер хўжалигига кўшимча баликчилик учун ер ажратишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида**

**ХУЛОСАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, “Турон олтин балик” фермер хўжалигига кўшимча яйлов ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

**Талабгор** сўраётган ер майдони тендер танловга қўйилмаганлиги, тендер танловга керакли бўлган ҳужжатларни Кенгашга тақдим этмаганлиги, аниқ иқтисодий бизнес режаси йўқлиги, мавжуд техника ва ишчи кучи тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги ҳамда Кенгаш аъзоларининг фикрларидан келиб чиқиб келгусида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида ариза юзасидан ижобий хулоса бериш лозим эмас деб топилсин.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон туманидаги “Турон олтин балик” фермер хўжалигига кўшимча ер майдонлари (участкалари) ажратилишига номуносиб. Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
Кенгаши раиси:**

1077/01-20  
23.09.2020 й

**А.Самадов**

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI  
QUMQO'RG'ON TUMANI  
HOKIMINING  
**QARORI**



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ  
**РЕШЕНИЕ**  
ХОКИМА  
КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА

190900. Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 20 yil " 23 " may

К-890 -sonli

Тумандаги "Балиқчилик сув ҳавзаси" номли балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан ер участкасини узок муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосасини ҳамда Халқ депутатлари Кумқўрғон туман Кенгашининг 2020 йил 28 апрелдаги 6-5/33-сонли қарорини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР**

**ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Кумқўрғон туман Кенгашининг 2020 йил 28 апрелдаги 6-5/33-сонли қарорини қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги "Балиқчилик сув ҳавзаси" номли балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага бериш шартномаси муддатидан олдин бекор қилинсин.

3. "Балиқчилик сув ҳавзаси" номли балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган "Сурхон соҳили" маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасининг 4қ-дала контурда жойлашган жами ер майдони 1,0 гектар, шундан 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга, туман ҳокимлиги захира ер майдонининг ер ҳисоботида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси, туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб олинган 1,0 гектар ер майдонига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабгорларга танлов асосида бериш вазифаси юклатилсин.